



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 9 январь, № 6 (7508) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЯГОНА ЙЎЛИМИЗ — ТАДБИРКОРЛАР СОНИНИ КЎПАЙТИРИШ, ОДАМЛАРНИ ИШБИЛАРМОН ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 январь куни Давлат бюджетни параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Илғор хорижий тажриба ҳамда синалган амалиёт асосида мамлакатимизда миллий солиқ тизими яратилди. Солиқлар сони ва ставкалари оптималлаштирилди. Қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди. Бунинг натижасида ўтган йили тадбиркорлар ихтиёрида жами 2 триллион сўм маблағ қолди.

Ларига сезиларли таъсир кўрсатади. Эндилдиқда улардан тушумлар яқинда тузилган Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси томонидан муваққил йиғилади.

— Ягона йўлимиз — тадбиркорлар сони кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш! Ҳар бир ҳоким бюджетга қўшимча даромадларни таъминлаши учун ўзи изланиши, тадбиркорга шароит яратиш, бизнес вакиллари билан елкама-елка ишлаши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бюджетга тушумларни оширишда яна бир муҳим йўналиш — давлат активлари. Ўтган йили давлат иштирокидаги корхоналар томонидан бюджетга жами 1,6 триллион сўм дивиденд тўланган, холос.

— Битта тадбиркор ўз фаолиятини тўхтатса ҳам, бунга “фавқулодда ҳолат” сифатида қаралиши керак, — дея таъкидлади Президент. — Иқтисодий барқарорлик асоси рақобатбардор тадбиркорларни кўпайтиришдир.

Шу боис мутасаддиларга давлат мулк объектларини, жумладан, ёғ-мой ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни хусусийлаштириш, йирик солиқ тўловчи субъектлар бўйича дивиденд тўлаш миқдори ва даврийлигини белгилаш вазифаси юклатилди.

— Ягона йўлимиз — тадбиркорлар сони кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш! Ҳар бир ҳоким бюджетга қўшимча даромадларни таъминлаши учун ўзи изланиши, тадбиркорга шароит яратиш, бизнес вакиллари билан елкама-елка ишлаши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсманга халқаро тажриба асосида, тадбиркорлар билан муҳокама қилган ҳолда солиқ текширувлари ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Ўзбекистонда Марказий Осиёга бевосита туташ Яқин Шарқда юз бераётган воқеалар алоҳида таъбиш билан қарши олинмоқда.

Ҳарбий-сиёсий ҳолатнинг янада кескинлашиши кўплаб инсонлар қурбон бўлишига ва кенг қўламли гуманитар фалокатга олиб келиши мумкин, ҳаётий муҳим иқтисодий алоқалар ва коммуника-

ДУНЁ НИГОҲИ

«ЎЗБЕКИСТОН: 2020 ЙИЛГА НАЗАР»

Янги йилнинг илк кунларида Америка Қўшма Штатларининг иқтисодиёт ва молия соҳасидаги “bne IntelliNews” ахборот-таҳлилий порталида чоп этилган мақола шундай номланди.

Унда қайд этилишича, Шавкат Мирзиёев Президентлигининг тўртинчи йилини Ўзбекистон очиклик сиёсатида катта ютуқлар ва янги даврга янги умидлар билан кутиб олди.



Бундан уч йил олдин Ўзбекистон эскирган тизим ва ёпиқ жамиятли, “ўзига хос” бошқаруш усулида бошқариладиган, мажбурий меҳнат, сиёсий маҳбуслар мавжуд мамлакат эди.

Иқтисодий тараққиёти ҳақида фикр юритилган экан, “bne IntelliNews”да халқаро ташкилотларнинг рақамларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг янги ички маҳсулоти ўсиши суръатлари жадаллашувчан таъкидланади.

Муаллифлар 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловларига алоҳида тўхталган. Рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг етмиш фоиздан ортиги ишторок этган сайловларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси кўп ўринни қўлга киритди.

«Янги Ўзбекистонни бунёд этишда барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишга тайёرمىз»

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 27 декабрь куни ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган Мухаммад ал-Хоразми номидаги мактабга ташрифи доирасида ёшлар билан учрашув ўтказди.

ландпарвозликлардан ҳоли, очик ва сямимий руҳда кечди. Унда ишторок этган ҳар бир ёш, шубҳасиз, ўзи учун, келгуси фаолияти учун энг муҳим жиҳатларни белгилаб олди.

4-саҳифага қаранг.

Семинар СОЛИҚ КОДЕКСИДА ЎЗГАРИШЛАР КЎП



2020 йилги халқимиз кўплаб янгиликлар билан қарши олди. Хусусан, жорий йилнинг 1 январидан аҳоли турмуши тарзи, тадбиркорлик субъектлари фаолияти, умуман, иқтисодиётимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги Солиқ кодекси амалиётга жорий қилинди.

ОДАМЛАР ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ ЎЗ ТУРМУШИДА КЎРМОҚДА

Яқунланган 2019 йил Самарқанд вилояти учун жиҳдий ўзгаришлар йили бўлди, десак, муболаға қилмаймиз. Гарчи натижалар ҳали мавжуд имконият даражасида бўлмаса-да, одамлар ислохотлар самараларини ўз турмушида сезаётганликларини билдиришмоқда.

«Халқ сўзи» учун эксклюзив



Дарҳақиқат, биргина беш йиллик дастуриламал ҳужжат — Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасидаги ишлар тизимли, босқичма-босқич рўйбега чиқаришмоқда.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ҲАРБИЙЛАР МҲИНОҚ АҲОЛИСИГА ХУШКАЙФИЯТ УЛАШДИ

Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасининг энг овулларида ҳам “Ватанпарварлик ойлари” доирасида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, ҳарбий хизматчилар аҳолига хушқайфият улашиш, уларга Ватан ҳимоячилари куни шукҳуни этказиш мақсадида Нукус шаҳридан Мўйноқ туманига йўл олишди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ: 2015 – 2019 ЙИЛЛАР ДАВОМИДАГИ НАЗОРAT-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИ



Олий Мажлис Сенати қўмиталари томонидан қонунлар, Сенат қарорларининг ижро этилиши, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўйича жами 260 дан зиёд назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди.

«ЎЗБЕКИСТОН: 2020 ЙИЛГА НАЗАР»

Муаллифлар намуна сифатида "Навоий" эркин иқтисодий зонасини келтиради. "Яқинда Президент қарори билан эркин иқтисодий зона ҳудуди Ўзбекистоннинг энг йирик виллоятларидан бири бўлиши Навоий виллоятининг бутун ҳудудига жорий қилинди. Иккинчидан, айнан ушбу иқтисодий зонада ҳукумат инглиз ҳуқуқини жорий қилмоқчи".

"2019 йил инвестициялар соҳасида бошқа муҳим ўзгаришлар ҳам юз берди, — дея таъкидланади нашрда. — Жумладан, ҳукумат мамлакатда 30 кундан кам бўладиган чет эл фуқаролари учун рўйхатдан ўтиш тартибини бекор қилиш режалари ҳақида маълум қилди. Тегишли вазирлик ва идораларга фойдаланилмаётган корхоналарнинг объеклари базасида кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди... Валюта муносабатлари либераллаштирилди, реал активларга инвестициялар ҳажми ортиб бормоқда. Натижада халқаро бизнеснинг Ўзбекистон бозорига қизи-

қиши тобора ортиб бораётир".

Статистика маълумотларига мувожаат қилар экан, "bne IntelliNews" 2015 йили ўзбек иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 1,9 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2019 йили ушбу кўрсаткич 7 миллиард долларга етганини ижобий факт сифатида баҳолайди. 2022 йили эса тўғридан-тўғри сармоялар ҳажми 10 миллиард доллардан ортиши кутилмоқда. Мақолада Жаҳон банки мутахассисларининг "Ўзбекистондаги бозор ислохотлари экспортга йўналтирилган ўшанинг янги манбаларини очиб, ишлаб чиқаришдаги камчиликларни бартараф этиш ва бизнес юритиш йўлидаги мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш имконини беради", деган фикри ҳам келтирилади.

Макроиктисодиётдаги катта қадамлар билан бир қаторда, Шаҳкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича ҳам чора-тадбирларни амалга оширмоқда, деб ёзади шарҳловчилар. Бу борада, айниқса, фуқароларга қишлоқ ҳўжалиги

билан шуғулланиш, уй-жой сотиб олиш ва бошқа мақсадларда арзон кредитлар ажратиш амалиётига юқори баҳо берилди.

"bne IntelliNews" мухбирларининг фикрича, Ўзбекистоннинг халқаро стратегиясидаги муҳим янгиликлардан бири — республиканинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши бўйича музокараларнинг бошланиши ҳамда расмий Тошкентнинг Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиши бўлди. Шу билан бирга, Америка Қўшма Штатлари томонидан ўзбек пахтаси ва ундан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олишга тақиқнинг бекор қилиниши, Ўзбекистоннинг "алоҳида хавотирга молик давлатлар рўйхати"дан чиқарилиши мамлакат имижини учун ижобий ўрин тутди. Шарҳ йўналишида ўзбек дипломатияси Хитой томонидан тақлиф этилган "Бир макон, бир йўл" ташаббусини ҳаётга таъбиқ қилишда фаол қатнашмоқда.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ҲАРБИЙЛАР МЎЙНОҚ АҲОЛИСИГА ХУШКАЙФИЯТ УЛАШДИ

Сўзга чиққанлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда бундай тадбирлар алоҳида ўрин тутишини таъкидлашди. Келгусида ҳам олис ҳудудларда бундай анъаналарни давом эттириш мақсада мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Навбатдаги манзил Мўйноқ шаҳридаги деҳқон бозори бўлди. Рўзгор учун бозор-учар қилиб юрган юртдошларимиз ҳарбий оркестр садоларини ўзгача хурсандчилик билан қарши олишди.

Шунингдек, Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазири бўлинмалари томонидан Орол денгизи

тубидаги суви қуриган ҳудудларда "яшил қалқон" — химоя ўрмонзорлари барпо этиш ҳамда Мўйноқ туманидаги ободонлаштириш ишларида жонбозлик кўрсатаётган ҳарбий хизматчилар жойлашган ҳудудларда ҳам ватанпарварлик карвони томонидан "Мардлик ва жасорат" дарслари, концерт дастури ва кўргазмалари чиқарилган намойиш этилди.

Нукус гарнизони ҳарбий оркестри, ҳарбий хизматчиларнинг саф ва қўл жанги элементларидан иборат кўргазмалари чиқарилган барчада катта таассурот қолдирди.

Тимур НАРЗИЕВ.

Қайд этиш жоизки, Солиқ кодекси лойиҳасига кенг жамоатчилик, ҳусусан, www.regulation.gov.uz портали орқали кўплаб тақлифлар билдирилди. Бизнес вакиллари, солиқ маслаҳатчилари, аудиторлар, адвокатлар, профессор-ўқитувчилар ўртасида қизгин муҳокама қилинди. Унга бағишлаб давра сўхбатлари, семинарлар ташкил этилди.

Шу билан бирга, кодексни ишлаб чиқишда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки тақлифлари ҳамда Россия, Қозғоғистон, Беларусь Республикаси, Италия, Германия, АКШ, Хитой каби давлатлар тахрирлари ўрганилди.

— Янги тахрирдаги Солиқ кодекси солиқ тўловчиларга энгиллик яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Комил Сайидов. — Янги бунда тенглик, аниқлик, соддалик ва самардорлик асос қилиб олинган. Унда, шунингдек, солиқ турлари қисқартирилгани, тадбиркорлик субъектларини текширишга бўлган талабларда жуда катта ўзгаришлар борлиги диққатга сазовор.

Дарҳақиқат, янги Солиқ кодексида солиқ тўловчиларга маъқул бўладиган жиҳатлар талайгина. Бунинг аввало, солиқ турлари 13 тадан 9 тага қисқартирилганидан кўриш мумкин.

Шунингдек, ҳозиргача қўшилган қиймат солиғи фақатгина экспортчи субъектларга, Вазирлар Маҳкамасининг рухсати асосида Газначилик билан келишилган ҳолда қайтариларди. Энди эса солиқ органларига қўшилган қиймат солиғи "манфий" қолдиқ суммасини қайтариш ҳуқуқи берилмоқда. Шу билан бирга, асосий воситалар ҳамда кўчмас мулк объектлари харид қилинганда ёки янгидан барпо этилганда ҚҚСни бир йўла ҳисобга олишни назарда тутувчи тартиб жорий этилди. Ваҳолонки, амалда ҳисобга олиш тенг улушларда кетма-кет келувчи 12 ой давомида ҳамда кўчмас мулк объектлари учун 36 ой да-

СОЛИҚ КОДЕКСИДА ЎЗГАРИШЛАР КЎП

вомида амалга оширилди. Бу тартиб солиқ тўловчиларнинг бизнесини ривожлантириш ва бюрократияни қисқартиришга асос бўлади.

Бундан ташқари, шу пайтгача асоссиз ундирилган солиқ суммасини қайтаришга солиқ органларининг ҳеч қандай жавобгарлиги йўқ эди. Янги солиқ тўловчилардан кечиктирилган ҳар бир кун учун пеня олинарди. Энди эса асоссиз ундирилган солиқ суммасининг ҳар бир куни учун солиқ органлари ҳам фойз тўлайдиган бўлди. Демак, жавобгарлик кучайди.

Корхоналар ўртасида ҳосил бўлган қайтариш қардорлигини мажбурий ундириш тартиби ҳам бекор қилинди. Янги бир қорхонанинг солиқ мажбу-



- янги тахрирдаги Солиқ кодекси 21 бўлим, 71 боб ва 480 та моддадан иборат;
- солиқ турлари 13 тадан 9 тага қисқартирилган;
- эндиликда солиқ органлари солиқ тўловчиларни 47 мезон асосида 3 сегмент — яшил, сариқ ҳамда қизилга ажратган ҳолда фаолият юритади;
- яшил — виждонли, сариқ — шубҳали, қизил — мунтазам ҳуқуқбузар солиқ тўловчини билдиради.

рияти бошқа бирининг зиммасига тушмайди.

Эндиликда Давлат солиқ қўмитаси солиқ тўловчиларни 47 мезон асосида 3 сегмент, яъни яшил (виждонли), сариқ (шубҳали)

ҳамда қизил (мунтазам ҳуқуқбузар)га ажратган ҳолда фаолият юритади. Яшил текширувларсиз ишончли муносабатларни билдирса, сариқ камерал назорат (масофавий-назорат ёрдам текши-

рувлари), қизил эса солиқ аудити (виждонсиз солиқ тўловчи фаолиятини тўлиқ текширишни) англатади.

Янги кодексда низоли вазиятлар юзага келганда солиқ низоларини судгача ҳал қилишни мажбурий ўтказиш белгилаб қўйилди. Қисқаси, янги тахрирдаги Солиқ кодексида бу каби янгиликлар бисёр. Шу боис унга қизиқиш ҳам кам эмас.

Шу ўринда яна бир жиҳатни ҳам айтиш ўринлики, ўзгаришларни тадбиркорларимизга тезроқ етказиш керак. Бунда эса бугунгидек тадбирларнинг аҳамияти катта.

Семинарда тадбиркорлар, турли ташкилотлар вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишмоқда.

Дилшод УЛУГМУРОДОВ («Халқ сўзи»)

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти давлат корхонаси савдо танлови эълон қилади.

Савдо танлови буюртмачиси ҳамда шартнома эгаси — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти давлат корхонаси.

Харидни молиялаштириш манбаи — корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига.

Танловда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари қўйилган шартларни бажарган тақдирда, иштирок этишлари мумкин.

Танлов предмети — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти давлат корхонасининг газета-журнал маҳсулотини офсет усулда босиб чиқариш учун газета қоғози сотиб олиш.

Энг юқори нарх — 1 тонна қоғоз учун 534 АҚШ доллари.

- Савдо танлови учун умумий шартлар:**
1. Танловда иштирок этиш учун катнашчилар шартномани бажаришга зарур бўлган техник, молиявий, моддий ва бошқа ресурслар ҳамда кадрларга эга бўлиши, шунингдек, танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларни бажаришлари лозим.
 2. Малакавий ҳужжатлар ва танлов тақлифлари жойлаштирилган ташқи конвертлар Тошкент вақти соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Уларни қабул қилиш 2020 йил 22 январь куни соат 12.00. да тўхтатилади.

Ҳужжатлар «Global Research and Consulting» МЧЖ (ишчи орган)га қўлда келтирилиб, имзо орқали топширилади ёки курьер почтаси билан юборилади.
Тел.: 71-255-35-03, 90-350-96-97. info@grc.uz

Барча зарур ахборот танлов ҳужжатларида кўрсатилган. Янада батафсил маълумот ҳамда танлов ҳужжатларини олиш учун танлов комиссиясининг ишчи органига мурожаат қилиш мумкин.

ХУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

«TURKISTON» хусусий акциядорлик тижорат банки кенгашининг 2020 йил 8 январдаги қарорига мувофиқ, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 30 январь куни соат 17.00 да бўлиб ўтади.

Акциядорлар умумий йиғилиши Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, 6-уйда жойлашган «TURKISTON» ХАТБ бош офиси биносида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 71-200-00-08, 71-113-44-05.

Электрон почта манзили: info@hd.turkistonbank.uz

- Йиғилиш кун тартиби:**
1. Банк саноқ комиссияси аъзоларининг шахсий таркиби ва ваколатлари мuddатларини тасдиқлаш.
 2. Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш.
 3. Банкнинг «Банк кенгаши тўғрисида»-ги ва «Банк бошқаруви тўғрисида»-ги низомларининг янги тахририни тасдиқлаш.
 4. Банкнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
 5. Банкнинг балансдан ташқари ҳисобварақларида ўрин олган активларни тўғрисида.

2020 йил 24 январь ҳолатига банк акциядорлари реестрида номлари қайд этилган акциядорлар йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш соат 16.00 да бошланади.

Йиғилишда қатнашадиган акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат олиб келишлари шарт. Акциядорлар вакилларига эса ўзларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда қонуний расмийлаштирилган ишончнома тақдим қилишлари талаб этилади.

Умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган саволларга доир материаллар билан сиз **Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, 6-уйда жойлашган «TURKISTON» ХАТБ бош офисида** танишиш имкониятига эгасиз.

Банк кенгаши.

KAFOLAT 12 OY UZLUKSIZ ISHLASHIGA, 5 YIL BEPUL XIZMAT



Инновацион, энергия тежамкор, экологик тоза, юқори талабли маҳсулот энди Ўзбекистон ҳудудларида!

- Buxoro shahri, A. Nabiev ko'chasi, 2-uy. Telefon: 99-707-55-57
- Samarqand viloyati, Narpay tumani, Mirbozor bozori. Telefonlar: 93-347-74-55, 98-303-38-23.
- Namangan shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, «Isfarxon» supermarketi. Telefonlar: 91-280-00-01, 98-303-38-23.
- Andijon viloyati, Shahrixon shahri, Amir Temur ko'chasi, 14-uy. Telefonlar: 98-303-38-23, 94-380-01-01.

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN. Tel.: 71-279-38-54, 71-279-25-23. www.pgs.uz

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти

қуйидаги илмий бўлим ва лабораторияларга мудир лавозимига танлов эълон қилади:

1. Назарий ядро физикаси лабораторияси, 01.04.02 (назарий физика) ва 01.04.08 (атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника) ихтисосликлари бўйича.
2. Кўп заррали тизимлар физикаси лабораторияси, 01.04.02 (назарий физика) ва 01.04.08 (атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника) ихтисосликлари бўйича.
3. Ядро реакторлари физикаси лабораторияси, 01.04.08 (атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника) ихтисослиги бўйича.
4. Ядровий тиббиёт лабораторияси, 01.04.08 (атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника) ва 01.04.01 (экспериментал физика асбоблари ва усуллари) ихтисосликлари бўйича.
5. Ядровий таҳлил лабораторияси, 01.04.08 (атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника) ва 01.04.01 (экспериментал физика асбоблари ва усуллари) ихтисосликлари бўйича.
6. Радиокимё лабораторияси, 01.04.08 (атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника) ва 01.04.01 (экспериментал физика асбоблари ва усуллари) ихтисосликлари бўйича.
7. Ядро энергетикаси ва ядровий технологиялар бўлими, 01.04.08 (атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника) ва 01.04.01 (экспериментал физика асбоблари ва усуллари) ихтисосликлари бўйича.
8. Оптик ҳодисалар радиациявий физикаси лабораторияси, 01.04.07 (конденсирланган ҳолат физикаси) ихтисослиги бўйича.
9. Қаттиқ жисмлар электроникаси радиациявий физикаси ва техникаси лабораторияси, 01.04.07 (конденсирланган ҳолат физикаси) ихтисослиги бўйича.
10. Қаттиқ жисмларда структуравий ўзгаришлар лабораторияси, 01.04.07 (конденсирланган ҳолат физикаси) ихтисослиги бўйича.
11. Наноструктуралари ва ўта ўтказувчанлик материаллар физикаси лабораторияси, 01.04.07 (конденсирланган ҳолат физикаси) ихтисослиги бўйича.
12. Экспериментал ядро физикаси лабораторияси, 01.04.08 (атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника) ихтисослиги бўйича.
13. Соҳаларо технологиялар лабораторияси, 01.04.08 (атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника) ва 01.04.01 (экспериментал физика асбоблари ва усуллари) ихтисосликлари бўйича.
14. Экология ва биотехнологиялар лабораторияси, 01.04.08 (атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника) ва 01.04.01 (экспериментал физика асбоблари ва усуллари) ихтисосликлари бўйича.

Номзодларга талаблар: фан доктори (DSc) ёки фалсафа доктори (PhD) (фан номзоди) илмий даражасининг борлиги; илмий лойиҳаларга раҳбарлик қилганлик тажрибаси; охириги 2 йилда чоп этган мақолалари/патентлари, халқаро коллаборацияларда қатнашганлиги ва ҳоказо.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — эълон чиққан санадан кейин 10 кунгача.
Танлов куни: 2020 йил 17 январь.
Ариза ва ҳужжатларни (маълумотнома, паспорт ва дипломлар нусхалари, илмий ишлар рўйхати, резюме) **қуйидаги манзилга юборинг:**

100214, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек қўرғони, У. Фуломов кўчаси, 1-уй, УзР ФА Ядро физикаси институти.
Маълумотлар учун телефон: 71-289-35-63.
(Илмий котиб Турдалиев Камил Табараквич).
Ҳужжатлар электрон нусхаларини turdaliev@inp.uz электрон почтага юборинг.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирилик жамоаси вазирилик департаменти бошлиғи Отабек Шарипова отаси
Бекмурод ШАРИПОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz



«Янги Ўзбекистонни бунёд этишда барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишга тайёрмиз»

Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича биз бошлаган улкан ишларни янги босқичга кўтаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган асосий куч айнан ёшларимиздир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

СОҒЛОМ ТАН, ЎТКИР АҚЛ ВА ЯХШИ АХЛОҚ ҚУРОЛИМИЗДИР

Муроджон ЗУФАРОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши раиси:



— Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашуви том маънода ҳаётимизда муҳим ўзгаришларга замин яратди. Президентимиз томонидан соҳа чуқур таҳлил этилгани, истиқболли вазифалар белгилаб берилгани биз учун айни муддао бўлди.

Юртбошимиз жамиятда ёшларнинг роли ва обрўсини кўтариш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича, ёшлар ташкилотлари орқали ёш авлод муаммолари ичига чуқурроқ кириш ва уларни ҳал қилиш муҳимлигини қайд этар экан, «Раҳбарлар келажагимиз бўлиши ёшлар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни эшитиб, ташаббусларини қўллаб-қувватлашлари шарт ва зарур», деб таъкидлади.

Президентимиз бугунги кунда ёшларни қийнаётган бир қатор муҳим масалаларга алоҳида тўхталди. Глобаллашув шароитидаги хавф-хатарлар ва мафкуравий хуружлар ҳақида сўз борар экан, давлатимиз раҳбари маърифатпарвар бобомиз Фитратнинг «Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуроли-

дир», деган сўзларини ёдга олди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига кўрсатмалар берилди. Беш муҳим ташаббуснинг ҳар бири йўналишини ҳудудларда тизимли амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Айни шу вазифаларни Тошкент вилоятида кенг ва самарали рўй-б-га чиқариш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Вилоятимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, тadbirkorлик ва беш муҳим ташаббусни ривожлантириш, ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида аниқ режа бўйича чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

ЮКСАК ҒАМХЎРЛИК ШИЖОАТГА УНДАЙДИ

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби:



— Қайси бир соҳада фаолият юритаётган ёшларнинг йилнинг охиридаги юз-кўзида эртанги кунга мустақам ишонч, доимий интилиш балкиб турганини кўрасиз. Биз, спортчилар ҳам халқроқ аренада юксак муваффақиятларни қўлга киритиб, юртимиз байроғини баланд кўтараятишимиздан фархланамиз. Сизга айтсам, буларнинг сабаби бор. У ҳам бўлса, давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва оталарча ғамхўрлигидир. Бундан қандайдир ҳис қилиб турамай.

Ўтган йил охирида Президентимиз мамлакатимизнинг иқтисодли, истеъдодли ёшлари билан очик ва самимий мулоқот ўтказди, ушбу учрашувда мен ҳам қатнашиб, ўз олдимга янада улкан режа ва мақсадлар қўйдим.

2019 йил мен учун жуда омадли келди. 6 — 22 сентябрь кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 91 килограмдан ортиқ вазн тоифасида иштирок этдим. Дастлабки жангимда украинлик Цотне Рогани, чорак финалда америка-

лик Ричард Торресни биринчи раундда нокаутга учратдим. Кескин ва мурасасиз ўтган ярим финал баҳсида россиялик Максим Бабанинни енгдим. Финалда азалий рақибим — козогистонлик Камшибек Конкабаевга ҳеч қандай имконият қолдирмадим ва жаҳон чемпионлигини қўлга киритдим. Яқунда мусобақа ташкилотчилари томонидан чемпионатнинг «Энг яхши боксчиси», деб топилдим.

Ўтган йили Ўзбекистон бокс бўйича сезиларли юксалишга эришди. Юртимиз чарм қўлқоп усталарининг қатор халқроқ мусобақалардаги ғалабалари жаҳоннинг нуфузли экспертлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, спортинг Англиянинг машҳур сайтларидан бири — thefight-site.com нашри хаваскор боксда дунёнинг энг яхши спортчилари номини эълон қилди. Эътиборлиси, бокс бўйича турли йўналишларнинг ғолиблари сифатида ўзбекистонлик спортчилар эътирофга сазовор бўлди. Мақола муаллифи Тейлор Ухиггинс «2019 йил боксчиси», дея Осие ва жаҳон чемпиони Мирзаалиловни, дунё боксда «Қизилқарий жанглари олиб борувчи» сифатида ҳамюртимиз Абдумалик Халатовни қайд этган. Энг муҳими, Ўзбекистон «Йилнинг энг яхши бокс мамлақати», дея эътироф қилинди.

Президентимиз эришяётган муваффақиятларимиз ва меҳнатларимизни муносиб баҳоламоқда. Жумладан, 2019 йил 27 сентябрь кунини «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирландим. Қолаверса, йил охирида Ўзбекистоннинг «Энг яхши эркак спортчиси» дея эътироф этилдим. Бундай эътибор ва ғамхўрлик бизга янада куч-ғайрат бағишлайди. Насиб қилса, мамлакатимизга Олимпия қиласин олтин медалини олиб келаман.

ИЛМГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ

Шоира ҲАМРОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги бош мутахассиси:



— Президентимизнинг ёшлар билан учрашуви самимий, дўстона руҳда ўтди. Юртбошимиз ёшларга қаратилган нутқидан адолат, фидойилик ва тарбия сўзларини кўп қўлади. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимизнинг эртанги келажаги айнан ана шу омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари «Бизнинг бош мақсадимиз — янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат. Аммо у ёшларсиз қуриб бўлмаслигини ҳам яхши тушунамиз», деб айтган фикрлари биз, ёшларда яна бир бор шу юрт келажаги ва тақдирига дахлдорликни оширди. Ёшлар юртимизнинг чинакам таянчи ва суянчи бўлиши учун эса барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Чунончи

сўнги йилларда юртимизда мактаб-гача таълим тизимини ривожлантириш, умумий ўрта ва олий таълимни ислоҳ қилиш борасида сезиларли қадамлар ташланди. Мактабгача таълим, ўрта ва олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш бўйича концепциялар тасдиқланди. Айниқса, улуғ алломаларимиз номидagi иқтидорли болалар мактаблари, халқимизнинг атоқли шоир ва адиблари ижод мактаблари, «Темурбеклар мактаби», Нукус, Хива, Наманган, Тошкент шаҳарларида Президент мактаблари ташкил қилингани таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Энг муҳими, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Зеро,

ёнги яхши сармоя, бу — илмга йўналтирилган сармоя. Ўйламанки, ёшларга қаратилаётган бундай ғамхўрлик яқин келажақда мамлакатимиз илм-фани, таълим соҳаси тараққиётига замин ҳозирлаб, юртимиз равнақига ҳисса қўшадиган, Ватанимиз обрўсини кўтарадиган кадрларни етиштиришга асос бўлади.

ЭЪТИБОР ВА ШАРОИТ ЗЎР, ЭНДИГИ ҒАП БИЗНИНГ ФАОЛЛИГИМИЗДА

Мастура НАБИХОҶОВА,
Чуст туманидаги 66-умумтаълим мактаби ўқувчиси, Ёшлар иттифоқи Наманган вилояти кенгаши Сардорлар кенгаши раиси:



— Инсон ҳаёти бир умрга сақланиб қоладиган қувончли воқеалар билан мазмунли. Янги йил арафасида Президентимизнинг ёшлар билан учрашуви ҳам мен учун узоқ вақт ёдда қоладиган кун бўлди. Давлатимиз раҳбари мулоқот чоғида мамлакатимизда ёшлар келажаги, уларнинг орзу-умидлари рўйи учун зарур шароитлар яратишга эътибор янада кучайтирилиб, 2020 йил юртимизда ёшлар сиёсати борасида туб бурилиш йили бўлиши таъкидлаганида барчамизнинг кўнгиллигимиз тоғдай кўтарилди.

Айтиш керакки, учрашувда айтилган ташаббуслар янги йилнинг дастлабки ҳафталик кўзга ташлана бошлади. Бунинг вилоятимиз ҳокимининг қуни кеча ёшлар билан мулоқоти, уларга қарата қилган мурожаати мисолида ҳам қуриш мумкин. Хусусан, вилоят раҳбари томонидан ёшлар масалаларига оид янги дастур тақдим қилинди. Унда бири-бирдан муҳим масалалар қайд этилган. Масалан, ёшларга етакчилик қилаётган энг фаол сардорларни рағбатлантириш мақсадида чет элларга саёҳат ва тажриба ортириш учун юборилиши ёки жорий йилдан бошлаб Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси доирасида маҳалларда спортнинг Олимпиада дастурига кирган турларнинг ўй-ичга олган ўйинларнинг йўлга қўйилиши, «Afsona music» санъат фестивали ўтказишни аъёнга айлантириш, иқтидорларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа тadbirkorлик ҳаммаси биз, ёшларда жамият тараққиётига дахлдорлик ҳиссини кучайтиради, албатта.

Умуман, бизнинг пухта билим олишимиз, касб эгаллашимиз, энг муҳими, иқтидоримизни рўйб-га чиқаришимиз йўлидаги шарт-шароитлар қўллаб-қувватлаш ва бошқа кенгайитиш, ислохотлар ижросида Президентимизга елкадош бўлиш, халқроқ майдонда юртимиз шарафини юксакларга кўтариш билан масалалар, ёшларга етакчилик қилаётган энг фаол

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁНДАШУВЛАР ЎЗГАРАДИ

Азиз НАРЗУЛЛАЕВ,
Ёш тadbirkor (Бухоро шаҳри):



— Президентимиз билан учрашув таассуротлари бир умрга татийди. Юртбошимиз томонидан 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлиши таъкидланганидан жуда қувондим. Шу билан биргаликда, бу биз, ёшларга катта масъулият ҳам юқлади.

Давлатимиз раҳбари учрашув давомида бизни ташвишга солиб келаётган бугунги кундаги муаммоларга ҳам алоҳида тўхтал-

дилар ва уларни бартараф этиш борасида мутасадди ташкилотларга тегишли кўрсатмалар берди.

Мен — ёш тadbirkor. Юртбошимиз яратиб бераётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда «Ёшлар — келажагимиз» Давлат дастури орқали имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Шунингдек, ёшлар тadbirkorлигини қўллаб-қувватлаш маркази вилоят бўлинимасини бошқаряман. Шу боис Президентимизнинг муваффақиятли ўтказилган замонавий тadbirkorлик лойиҳаларини омдалаштириш, бунинг учун тегишли қўллаб-қувватлаш бўйича берган

топшириқлардан нихоятда хурсанд бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг илгор мамлакатлар тажрибаси асосида «Start-up» лар тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тақлифи ҳам соҳада катта бурилиш ясашига ишончини қозғатди. Чунончи, сўнги йилларда ёшларда «Start-up» лар яратишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ушбу қонун айнан инновацион қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорлик қилишга ҳаётга татбиқ этиш, бу орқали ёшларимизнинг бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади.

ОРЗУЛАРИМИЗ РЎЎБИГА ИШОНЧИМИЗ ОРТДИ

Шахло ЮЛДАШЕВА,
Урганч шаҳридаги «Севинч Медикал» хусусий клиникаси раҳбари:



чархлаб боришимиз кераклигини яна бир бор англадим.

Юртбошимиз алоҳида эътибор қаратган масалалардан бири — ёшлар тadbirkorлиги. Президентимиз бутун дунёда ёшлар орасида тобора омдалашиб бораётган тadbirkorлик фаолиятини инновацион тарзда йўлга қўйиш, янги ишланмаларни тижоратлаштириш, ёш тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш бўйича мутасаддиларга алоҳида кўрсатма берди. Бундан беҳад манун бўлди. Чунки «Ёшлар — келажагимиз» жамғармаси орқали олинган кредит ҳисобига «Севинч Медикал» хусусий клиникасини ташкил этганимиз. Бу йил фаолиятимизни янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари очилиши режалаштирганимиз. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича инновацион ёндашувларимиз бор. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилишига, орзуларимиз рўйб-га ишонаман.

— Президентимиз билан кўришиш бахтига мен ҳам сазовор бўлдим. Давлатимиз раҳбари учрашувда ёшларга шундай мотивация бердики, ҳаётимизни янада фаровон қилиш, юртимизни жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш, умуман, ўз бахту саодатимиз учун ҳар биримиз бундан-да кўпроқ меҳнат қилишимиз, ўз устимизда ишлаб, салоҳиятимизни

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ БИЗГА ҚАНОТ БЎЛАДИ

Шоҳида ДАМАНОВА,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти кенгаши раиси ўринбосари:

— Давлатимиз раҳбарининг фикрларини, истиқболимизга дахлдор тақлифларини катта қизиқиш билан тингладик. Президентимиз жуда муҳим ташаббусларни илгари сурди. Маълумки, 2018 йилда мамлакатимизда буюқ аллома Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Ёш математиклар халқроқ олимпиадаси муваффақиятли ўтказилган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу тажриба асосида физика бўйича Аҳмад Фарғоний, кимё фани бўйича Абу Райҳон Беруний, биология бўйича Абу Али ибн Сино, астрономия бўйича Мирзо Улуғбек номидаги халқроқ фан олимпиада-

лари ташкил этиш тақлифини илгари сурди. Бу олимпиадаларнинг ташкил этилиши ўзбек ёшларини нафақат маданият, санъат ёки спортда, балки илм-фани соҳасида ҳам дунё ёшлари билан рақобатга кириша оладиган мутахассислар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ушбу келаётган авлод аудиториясига йўналтирилган теле ва радиоканаллар, босма нашрларни бирлаштириб, «Ёшлар медиа холдинги» ташкил этиш тақлифи ҳам бугунги замон талаблари, ёшлар эътиҳолларига монанд экани билан бизни хурсанд қилди.



Президентимиз томонидан илгари сурилган мазкур ташаббуслар, шубҳасиз, ёшларга қанот бўлиб, иқтидорли ёш кадрларни кашф этиш, уларнинг хоҳиш-истакларини рўйб-га чиқариш, салоҳиятини Ватанимиз равнақи йўлида сафарбар этиш учун яна бир муҳим қадам бўлади.

ТАКЛИФИМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГАНИДАН ХУРСАНДМАН

Шираз ТУРСУНБОЕВ,
Нукус маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси, «Нихол» мукофоти совриндори:



— Улуғ бобомиз Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда Президентимиз билан учрашган ёшлар орасида бўлганимдан беҳад фархланаман. Давлатимиз раҳбари ёшларнинг бандлиги, уй-жой таъминоти, бўш вақтининг мазмунли ўтказиши, таълим олиш ва касб ўрганиши-

га бўлган талаби доимо ўрганиб борилиб, аниқ чоралар қўрилиши зарурилиги бўйича мутасаддиларга вазифалар белгилаб берди. Ёшлар билан дилдан сўхбатлашди. Ору-мақсадлар, тақлиф ва мулоҳазалар билан қизиқди. Учрашувда мен мамлакатимизда маданият ва санъатга алоҳида эътибор қаратилаётгани, хусусан, Қорақалпоғистон Республи-

касида қўллаб-қувватлаш ижрочилари етишиб чиқаётгани, масалан, Кенгесбой Сержанов, Мўясар Раззоқова, Женисбек Пиязов шулар жумласидан эканини таъкидладим. Шу сабабли Нукус шаҳрида ихтисослаштирилган опера мактабини очиб тақлифини билдирдим. Ушбу тақлифим давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди. Бундан жуда хурсандман.

«Халқ сўзи».

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўламақалар тақриб қилганидан ва муаллифга қайтарилмайд.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳафта оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топшириқ — 23.00 1 2 3 4 5 6